

# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2022 йил – ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУГЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: info@xs.uz

2022 йил 12 январь, № 7 (8069)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

## Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 245 ва 245<sup>б</sup>-моддаларига ўзгартишлар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2021 йил 17 ноябрда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2021 йил 15 декабрда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар, № 9, 416, 421-моддалар, № 12, 596, 604, 607-моддалар; 2008 йил, № 4, 181, 189, 192-моддалар, № 9, 486, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 9, 334, 335, 337-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 462, 468, 470, 472, 474-моддалар; 2010 йил, № 5, 175, 179-моддалар, № 6, 231-модда, № 9, 335, 339, 341-моддалар, № 10, 380-модда, № 12, 468, 473, 474-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда, № 4, 104, 105-моддалар, № 9, 247, 252-моддалар, № 12/2, 365-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 341, 343-моддалар; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 1, 2-модда, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 4, 137-модда, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда, № 10, 605-модда; 2018 йил, № 1, 1, 4, 5-моддалар, № 4, 224-модда, № 7, 430, 431, 432-моддалар, № 10, 671, 673, 679-моддалар; 2019 йил, № 1, 1, 3, 5-моддалар, № 2, 47-модда, № 3, 161, 165, 166-моддалар, № 5, 259, 261, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 469, 471-моддалар, № 9, 591, 592-моддалар, № 10, 674, 676-моддалар, № 11, 787, 791-моддалар, № 12, 880, 891-моддалар; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 203, 204-моддалар, № 7, 449-модда, № 9, 539, 540-моддалар, № 10, 593, 596-моддалар, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 7, 12, 13, 14-моддалар, № 2, 142-модда, № 3, 217-модда, № 4, 290, 293-моддалар, 4-сонга илова, № 8, 800, 802, 803-моддалар, № 9, 903-модда, № 10, 966, 967, 968, 973-моддалар) қуйидаги ўзгартишлар киритилсин:

- 245-модданинг биринчи қисмидаги:**  
«43» рақами «43 (бундан тadbиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг бузилиши ҳоллари мустасно)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;  
«197» рақами «197, 197» рақамлари билан алмаштирилсин;  
«200» рақами «200» (бундан тadbиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг бузилиши ҳоллари мустасно)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;  
«241<sup>а</sup> – 241<sup>б</sup> ва 241<sup>б</sup>» деган сўзлар «241<sup>а</sup> ва 241<sup>б</sup>» деган сўзлар билан алмаштирилсин;
- 245<sup>б</sup>-модда** қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«**245<sup>б</sup>-модда.** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Тadbиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳамда унинг девони ходимлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Тadbиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳамда унинг девони ходимлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Тadbиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳамда унинг девони бош инспекторлари ҳақидир».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Тadbиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

**3-модда.** Ўзбекистон Республикаси Вазиrлар Маҳкамаси: ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин; давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта қўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

**4-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри,  
2022 йил 11 январь  
№ ЎРҚ—744

# АЁЛ – ҲАЁТ БЕШИГИ, БУЮК ВА МЎЪТАБАР МУРАББИЙ

МАМЛАКАТИМИЗДА ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ, УЛАРГА ҲАМХЎРЛИК КЎРСАТИШ ДАВЛАТ СИЁСАТИ ДАРАЖАСИГА КЎТАРИЛДИ.

## □ Бедор ўй

Аёл...  
Бу гўзал хилқат ҳақида ўйлаганимизда мунис онамиз, мушфиқ синглимиз, садоқатли ва оқила ёримиз кўз олдимизда жонланади. Уларсиз ҳаётимизни тасаввур эта олмаймиз. Хўш, нега? Бу саволга биргина сўз билан ёки лўнда қилиб жавоб бериши мушкул. Чунки ҳаётимиз давомийлигини таъминлаш, нафосат, меҳр-муҳаббат, оқибат, мурувват ва ҳимматни сақлаб туриш ҳамда тараққиётга эришишда аёлларнинг ўрнини ҳеч бир мезон билан ўлчаб бўлмайди.

Инсон кўнглидаги яшашга иштиёқ, юксалишга рағбат, ғайрат-шижоат аёл туфайли мавжуд ва муқимдир. Бу нозик қалб соҳибаларисиз турмушимиз завқсиз, зерикари ва маъносиз бўлиб қолади. Сирасини айтганда, бу



## 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни

# ҲАР ТОМОНЛА ЕТУК ҲАРБИЙЛАР САРҲАДЛАРИМИЗ ДАХЛСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШГА ҚОДИР



Маълумки, сарҳадларимизнинг дахлсизлигини таъминлаш, юртимизда тинчлик ва барқарорликни сақлаш ва жамиятда ҳар бир шаҳсининг осойишта ҳаётини кафолатлашда Куролли Кучларимизнинг алоҳида ўрни бор. Шу боис ҳам кейинги йилларда миллий армиямизни кучайтириш, унинг сафларини ҳар томонлама етук кадрлар билан тўлдирish, шу билан бирга, ёшларимизни она Ватанга садоқат руҳида тарбиялашга жиддий эътибор қаратиб келинмоқда.

Бу борада биз жаҳон ҳамда ўзимизнинг тарихий таърибамизга таянаемиз. Зеро, аждодларимиз томонидан қўлланилган мудофаа тактикаси ва усуллари жаҳон ҳарбий санъати тарихидан мумтоз ҳарбий стратегиялар сифатида ўрин эгаллаган.

Олий Бош Қўмондон Шавкат Мирзиёев Президент ҳузурдаги Хавфсизлик кенгашининг 2021 йил 12 январда бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишидаги нутқида “Амир Темур, Шохрух Мирзо, Жалолiddин Мангуберди, Заҳриддин Муҳаммад Бобур каби буюк боболаримиз ўзларининг жанг санъатини, ҳарбий мактабини яратиб, бутун дунёга донг таратган эди”, дея таъкидлаш орқали ҳарбий тарихимизни ўрганиш ва уни ёшларга етказиш муҳим вазифалардан бири эканлигига барчамизнинг эътиборимизни қаратди.

Давлатимиз раҳбари, Куролли Кучлар

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

# ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШДА ПАРЛАМЕНТ РОЛИ ЯНАДА КУЧАЙТИРИЛАДИ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид бир қатор қонун лойиҳалари қўриб чиқилди. Парламент аъзолари томонидан ҳар бир масала халқ манфаатларидан келиб чиққан ҳолда масъулият билан муҳокама этилгани, қизгин фикр-мулоҳаза, таклиф ҳамда тавсиялар билдирилгани эътиборга лойиқдир.

## Автомототранспорт воситаларини ижарага бериш билан боғлиқ қандай ўзгаришлар бўляпти?

Ялпи мажлисда депутатлар томонидан қўриб чиқилган дастлабки ҳужжат — “Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 565-моддасига ўзгартиш ва қўшимча киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси бўлди. Иккинчи ўқишда муҳокама қилинаётган мазкур ҳужжат билан автоматотранспорт воситалари электрон савдо платформаси орқали ижарага берилганда, шартномани нотариал тартибда тасдиқлаш талаби бекор қилинапти. Бу каби шартномалар оддий ёзма шаклда тузилиши белгиланмоқда.

## ТУРКИЙ ДАВЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ ЙИГИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов 11 январь куни видеоконференцалоқа шаклида ташкил этилган Туркий давлатлар ташкилати Ташқи ишлар вазиrлари кенгашининг навбатдан ташқари йиғилишида иштирок этди.

Ташқи ишлар вазиrлиги матбуот хизматининг маълум қилишича, йиғилишда Озарбайжон, Қирғизистон, Қозоғистон, Туркия, Ўзбекистон, Венгрия ва Туркменистон ташқи ишлар вазиrликлари раҳбарлари Қозоғистондаги мавжуд вазиятни муҳокама қилдилар. Ташкилот аъзоларининг Қозоғистон халқи ва раҳбариятини қатъий қўллаб-қувватлаши ва бирдамлиги таъкидланди. Тез орада мамлакатда тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишига ишон билдирилди. Йиғилиш якунлари бўйича Қўшма баёнот қабул қилинди.

«Халқ сўзи».

## КОРРУПЦИЯДАН ХОЛИ ДУНЁ — УМУМБАШАРИЙ ОРЗУ

Инсоният тарихида давлатчилик пайдо бўлганидан буён жамият тараққиётига халал берадиган коррупция иллатига қарши мurosасиз кураш олиб бoрилади. Зеро, порахўрлик, коррупция тараққиёт ва фаровонлик кушандаси бўлишдан ташқари, у жамиятда адолат, тенглик, соғлом рақобат, ҳалоллик тамойиллари устуворлигига тўсқинлик қиладиган ўта хавфли ижтимоий иллатлардан саналади.

## □ Мушоҳада

Президентимизнинг ўтган йил август ойида нашрдан чиққан “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобида бошқа долзарб йўналишлар баробарида, коррупция хатари, унга қарши инсоният тарихида қандай кураш олиб бoрилгани ҳамда бугунги кунда биз бу иллатни даф этиш учун қандай чоралар кўраётганимиз чуқур таҳлил қилинган. Дастлаб инсониятнинг бу борада тўплаган тажиrбасига уруғ берилгани биз учун айни муддаодир. Масалан, қадимги Бoбил подшоҳи Хамурапи шундай қоида жорий этадики, унга кўра судья ишни қўриб чиқиб, қарор қабул қилган ва ҳужжатни муҳрлаган бўлса-ю, сўнгра қарорни ўзгартирса, унда бу судья фoш этилиши ҳамда у иш бўйича давво суммасини ўн икки баравар миқдорда тўлаши керак бўлган. Камига у лавозимидан четлатилган ва келгусида судья лавозимида ишлаши тақиқланган. Миср фиръавни Рамзес биринчи даврида коррупцияга қўл урган ҳар бир киши ҳаётининг қолган қисмини қулликда ўтказишга мажбур бўлган. Қадимги Хиндистон ҳудудида бўлган Мауря империяси даврида порахўр мансабдор ҳақида маълумот берган одам унинг мусодара қилинган мол-мулкнинг бир қисмига эгаллик қилган.





